

УДК 636.084

**ҚОРАМОЛЛАРНИ ЎСТИРИШ ВА БЎРДОҚИГА БОҚИШНИНГ
ИНТЕНСИВ ТЕХНОЛОГИЯСИ***Усмонов Одил Камилович – ФарДУ, қ.х.ф.н.*

Аннотация. Мақолада қорамолларни ўстириш ва бўрдоқига боқишнинг интенсив технологияси баён этилган. Бунда асосий 4 та даври, яъни 60-90 кун давом этадиган сут билан боқиш, сут ичишдан кейинги даври, ўсишнинг фаол даври ҳамда сўқимга боқишнинг фаол даври батафсил ёритилган.

Калит сўзлар. Куриқ модда, хом протеин, карбон сув, калий, магний, марганец, кобальт, концентрат, премикс, рацион, сунъий сут, микроэлемент, антибиотик.

Кириш. Қорамолларни ўстириш ва сўқимга боқишнинг янги меъёрлари уларнинг алмашинувчи қувват - куриқ модда, хом протеин, карбонсувлар, ёғ, калий, магний, олтингугурт, асосий микроэлементлар -темир, мис, марганец, рух, кобальт ва йодга ҳамда Д, Е витаминларига бўлган эҳтиёжларининг кўрсаткичлари билан тўлдирилган. Шунингдек ёши ва тирик вазнига қараб, даврлар бўйича ўстирилганда ҳамда сўқимга боқилганда 1 кг семириш учун озукалар сарфланиши меъёр тузишда асос қилиб олинган.

Тадқиқот объекти. Аҳоли ва чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида парваришланаётган қорамол бузоқлари.

Тадқиқот натижалари. Ёш молларни ўстиришни самарали йўлга қўйиш ва сифатли гўшт етиштириш учун сут ичадиган ва сут ичишдан кейинги даврларда тўла қийматли, мувозанатлашган ҳолда озиклантирилиб, сут - гўштбоп молларнинг кунига камида 800-850г, ўртача вазндаги, сутбоп зотлардан эса 700-750 г ўртача ўсишига эришиш муҳимдир. Кўрсатилган кунлик ўсишларда боқилаётган ёш қорамолларнинг 18 ойлигидаги вазни 420-480 кг га етади.

Тирик вазни бўйича йирик, сут-гўштбоп зотли бузоқларни 6 ойгача ўстириш учун тахминан 250 кг ёғли сут ва 700 кг ёғсиз сут, тирик вазни ўртача бўлган сут-гўштбоп ва сутбоп зотлар учун 200 кг ёғли сут ва 600 кг ёғсиз сут керак бўлади. Бундай озиклантириш даражаси уларнинг 700 г дан 800 г гача ўртача семиришини таъминлайди. Ёш молларни сўқимга боқишда уларга юқори сифатли озукалардан сарфланса кўпроқ натижага эришилади.

Кунлик 1200-1400 г семиришни сўқимга боқишнинг маълум оралиғида ва юқори генетик имкониятларга эга бўлган моллардан олиш мумкин. Асосий рационга пичан, силос ва сенажга қўшимча қилиб ўт уни, брикетлар, илдимевалар ва концентратлар қўшилади. Жумладан, маккажўхори, арпа ва

бошқа озуқалар майдаланиб, буғ билан ишлов берилган холда ем таркибига кўшиб молларга берилиши мумкин.

6 ойдан ёш молларни гўштга жадал боқишда хар 100 кг тирик иазни ҳисобига 2,3 дан 2,7 кг гача куруқ модда керак бўлади.

Ёш қорамоллар гўшт учун боқиладиганда уларнинг хазмланувчи протеинга бўлган эҳтиёжи бир бошга ва бир озуқа бирлигига ҳисобланади. Ёш моллар катта ёшдаги молларга нисбатан витаминлар етишмаслигига чидамсиздир. Бу ходиса ўсиш ва ривожланишни секинлаштиради ва турли касалликларни келтириб чиқаради.

Бузоқларнинг қиш даврида витаминлар билан таъминланишини яхшилаш учун бошоқли дуккаклар пичанидан, ўт унидан, балиқ мойидан, таркибида озуқавий ва сунъий витаминли препаратлар бўлган премикслардан фойдаланилади. Меъёрлар бўйича рационлар тузилганда озиклантириш тўйимлилиги ошади, бузоқлар яхши сақланади, касалликлар келиб чиқишини олди олинади.

Сайр қилдириб боқиш, молхоналарда боқишдан фақат техникавий-иктисодий жиҳатдан қулай бўлиб қолмай, балки таъми яхши, сифатли, жуда ҳам ёғли бўлмаган гўшт етиштиришга имкон яратади.

Фермер хўжаликларида мол гўшти етиштиришни ташкил этиш бутун ишлаб чиқариш даврида молларни жадал равишда боқишга асосланган бўлиши керак. Ҳайвонларнинг анатомик-физиологик ривожланишига қараб табақалаштирилган ўсиш режаларида бутун ишлаб чиқариш жараёнидаги кўпгина технология вазифалари 4 даврга бўлинади:

1. Сут билан боқиш даври 60-90 кун давом этади. Бу даврда асосан сутли озуқалар, ёғли сут, сунъий сут ва ёғсиз сут билан боқилади. Рационнинг қолган қисми махсус омукта ем, пичан ёки майдаланган ўтлардан ташкил топиб, алоҳида берилади. Бузоқларнинг сут эмиш давридаги озиклантириш дастури хар 7 кунда алмаштирилади. Ёш молларни озиклантириш тизими, айниқса биринчи ойда бузоқ организмидаги касалликларга қарши курашиш хусусиятларини сақлашга ва кучайтиришга қаратилган бўлиши лозим. Иккинчи ойдан бошлаб, бузоқлар тайёрланган озуқаларга ўргатилади. Шунинг учун ҳам сунъий сут ва махсус омукта емда анчагина витаминлар, антибиотиклар, микроэлементлар ва бошқа биологик фаол моддаларнинг бўлиши кўзда тутилади.

2. Сут ичишдан кейинги даври. Бунда ёш моллар тўлиқ равишда ўсимликлардан тайёрланган озуқаларга ўтади ва бу хол ошқозон олди қисмининг ривожланишини, шунингдек овқат хазм қилиш ширасининг ажралишини тезлаштиради. Одатда бу даврдаги озиклантириш дастури 3-4 хил озуқалардан яъни пичан, силос, сенаж, концентратлардан фойдаланишни кўзда туттади. Озуқалар бир бирига аралаштирилиб, омукта холида берилади Шу билан бирга

рационнинг оксил, минерал моддалар ва витаминлар мажмуасини мувозанатлайдиган концентрат сифатида омухта ем берилади. Сут ичишдан кейинги даврининг давом этиши 60-90 кун..

3. Ўсишнинг фаол даври. Бу давр мускуллар ўсишининг фаоллиги организмдаги таянч тўқимарининг яъни суяк, тоғайлар ривожланиш хусусияти билан ажралиб, кейинчалик гўшт маҳсулдорлиги даражасини белгилаб беради. Бу даврда арзонроқ бўлган катта ҳажмли озуқаларни ишлатиб, асосий эътиборни мунтазам равишда тўла қийматли озиқлантиришга қаратиш керак. Бу даврнинг давом этиши 4-8 ой. Ўртача кунлик эт олиш 800 г дан 1200 г оралиғида бўлади..

4. Сўқимга боқишнинг яқунловчи даври. Ўзида юқори даражада энергияни мужассамлаштирган озуқаларнинг қўлланилиши мол семизлигини ошириб, гўшт сифатини яхшилаш, гўшт чиқиш фоизини ошириш ва кунлик юқори эт олишга 900-1300 г га эришиш мумкинлиги билан ажралиб туради. Гўшт учун боқилаётган молларни озиқлантиришнинг қўйидаги хусусиятларини алоҳида таъминлаш лозим. Озиқлантиришда гурухларга қараб меъёр тузилади- озуқалар бир хилдаги аралашма ҳолатида молларга берилади. Уларни истеъмол қилиш даражаси яхши бўлганда моллар минерал қўшимчалар ва тўйимли моддалар билан тўла таъминланади. Овқат хазм қилишнинг бир текис кетиши учун бутун ишлаб чиқариш давомида бир хилдаги озиқлантириш қўлланилади ва шу тарзда хазмланиш ҳамда тўйимли моддаларнинг организмга сингиб, ўзлаштирилиши яхшиланади.

Хулоса. Катта ёшдаги, асосан келгусида фойдаланиш учун яроқсизга чиқарилган молларни сўқимга боқиш 2-3ой ичида амалга оширилади. Бундай вақтда силос, сенаж, чигит шелухаси, омихта ем, шрот ва илдизмевалардан фойдаланилади. Кўк озуқалардан фойдаланиш эса катта ёшдаги молларни сўқимга боқишни арзонлаштиради. Гўшт учун боқилаётган рацион структурасидаги концентратлар даражаси тўйимлилиги бўйича 35 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Яроқсизга чиқарилган сигирларни сўқимга боқиш қанча вақт давом этиши уларнинг семиз ориқлигига боғлиқ. Ўртадан паст бўлганда 90 кунгача, ўртача бўлганда 60 кунгача боқилади. Катта ёшдаги яроқсизга чиқарилган молларни бўрдоқига қўйиш олдидан, улар учун озиқлантириш меъёрлари белгиланиб, рационлар тузилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Fermer bo`laman-U.Nosirov, O.Usmonov, M.Mirxamidov. Toshkent. Mehnat-2002 yil.
2. O.Usmonov. A.Komilov. Qoramollarni sun'iy urug`lantirish bo'yicha qo`llanma. 2018 y.
3. Kamilovich, U. O., Kenjayevich, B. B., Baxriddinovich, B. F., & Botirjon o'g'li, M. M. (2023). CHORVACHILIGI RIVOJLANGAN DAVLATLARDA OLIB

BORILAYOTGAN NASLCHILIK ISHLARI. *Journal of new century innovations*, 41(2), 57-61.

4. Усмонов, О. К., Бобоев, Б. К., & Бахриддинов, Ф. Б. (2023). СОВРЕМЕННАЯ ПЛЕМЕННАЯ РАБОТА В СКОТОВОДСТВЕ-ЗАЛОГ ВЫСОКОЙ РЕНТАБЕЛЬНОСТИ. *Journal of new century innovations*, 41(2), 62-66.

5. Усмонов, О. К., Бобоев, Б. К., & Бахриддинов, Ф. Б. (2023). QORAMOLLARNI SUNIY URUGLANTIRISHDA JINSI AJRATILGAN URUGLARDAN FOYDALANISH TEHNOLOGIYASI. *Journal of new century innovations*, 41(2), 52-56.

6. Абдуллаева Г. А. Р. OSTREATUS NI URUGLIK MIЦЕЛИЙСИНИ ЕТИШТИРИШ //FINLAND" MODERN SCIENTIFIC RESEARCH: TOPICAL ISSUES, ACHIEVEMENTS AND INNOVATIONS". – 2023. – Т. 14. – №. 1.

7. Jamolov R. et al. The role of water and salt in the life of bees //Конференции. – 2021.

8. Raximov M. et al. Peculiarities of the influence of climatic conditions on the morphological and biochemical composition of the blood of bulls of transported cattle //Конференции. – 2021.

9. Alijonovich R. M., Madumarovna N. M. QISHLOQ XO 'JALIGI BIOTEKNOLOGIYASI //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. Special Issue 6. – С. 315-317.

10. Рахимов М. А., Азизов Р. О. Ў. ГЕНЕТИЧЕСКИЙ ПОТЕНЦИАЛ КРУПНОГО РОГАТОГО СКОТА //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. Special Issue 6. – С. 600-603.

11. Raximov M., Nurmatova M. МОРФОЛОГИЧЕСКИЙ И БИОХИМИЧЕСКИЙ СОСТАВ КРОВИ БЫЧКОВ КРУПНОГО РОГАТОГО СКОТА //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. D8. – С. 12-16.

12. Рахимов М. РАЦИОНАЛЬНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ГЕНЕТИЧЕСКИХ РЕСУРСОВ ПРИ ВЫРАЩИВАНИИ СКОТА НА МЯСА //Scientific journal of the Fergana State University. – 2023. – №. 1. – С. 158-161.

13. Alijonovich R. M. et al. EFFICIENT BEEF PRODUCTION TECHNOLOGY //Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 259-263.

14. Raximov M., Saminov A. Aholi tomorqa xo 'jaliklarida va himoyalangan joylarda sabzavot yetishtirishning jadal texnologiyasi //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. D6. – С. 231-236.

15. Рахимов М., Абдурасулов Х. Интенсивная технология откорма молодняка привозного скота //Scientific journal of the Fergana State University. – 2018. – №. 6. – С. 42-42.

16. Alijonovich, Rakhimov Madaminjon, and Javxarov Oybek Zulfikharovich. "Organization of full-value feeding of dairy cows in farm." *Gospodarka i Innowacje*. 24 (2022): 840-843.

17. Рахимов М. А. Резервы повышения мясной продуктивности бычков крупного рогатого скота при откорме //Агро илм. – С. 66-68.

18. Raximov M. мясная продуктивность бычков привозного скота //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. D6. – С. 189-192.

19. Raximov, M., Muydinov, X., Abdullayeva, G., & Komiljonov, A. (2021, July). Peculiarities of the influence of climatic conditions on the morphological and biochemical composition of the blood of bulls of transported cattle. In *Конференции*.

20. Рахимов М. А. Влияние технологии кормления на рост и развитие бычков, выращиваемых на мясо //Жур. Агро илм, Ташкент. – 2021. – Т. 5. – С. 65.

21. Рахимов М., Муйдинов Х., Комилжонов А. Интенсивная технология выращивания телок привозного скота //Scientific journal of the Fergana State University. – 2021. – №. 2. – С. 26-26.

22. Рахимов М. А., Турдалиев А. Т., Мадрахимов Ш. Н. ПРОИЗВОДСТВО ПОЛНОЦЕННОГО МЯСА КРУПНОГО РОГАТОГО СКОТА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ПОРОДНЫХ РЕСУРСОВ //ИННОВАЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ ПРОДУКТИВНОГО И НЕПРОДУКТИВНОГО ЖИВОТНОВОДСТВА. – 2022. – С. 184-189.

23. Рахимов М. А., Юнусов М., Хабибуллаев Ф. Технология кормления привозного скота //Журн. Агро илм Тошкент. – 2018. – №. 2. – С. 52.

24. Alijonovich R. M., Olimjon o'g'li A. R. QORAMOLLARNING GIPODERMATOZ KASALLIGI VA PROFILAKTIKASI //Proceedings of International Educators Conference. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 49-52.

25. Рахимов М. РАЦИОНАЛЬНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ГЕНЕТИЧЕСКИХ РЕСУРСОВ ПРИ ВЫРАЩИВАНИИ СКОТА НА МЯСА //Scientific journal of the Fergana State University. – 2023. – №. 1. – С. 158-161.

26. Рахимов М. А., Шерматов М., Хабибуллаев Ф. Технологии рационального использования кормов //Сельское хозяйство Узбекистана. – 2013. – №. 7. – С. 33-34.

27. Рахимов М. А., Муйдинов Х. Д. Эффективность применения минеральных подкормок в рационе бычков привозного скота //Фергана, журнал Научный вестник ФерГУ. – 2022. – Т. 1.

28. Рахимов М. А., Юнусов М., Хабибуллаев Ф. Интенсивная технология повышения молочной продуктивности коров в фермерских хозяйствах //Сельское хозяйство Узбекистана. – 2015. – №. 1. – С. 36-37.

29. Рахимов М. А., Юнусов М., Хабибуллаев Ф. Влияние разного

соотношения зерносенажа и кукурузного силоса на переваримости питательных веществ в рационе бычков привозного скота //Жур. Агро илм, Ташкент. – 2017. – Т. 1. – С. 40.. 1. – С. 40.

30. Boboyev, B. K., Usmonov, O. K., & Jamolov, R. Q. (2023). ASALARI OILALARINI PAYVANDLANGAN ICHINKALARNI QABUL QILGANLIGINI TEKSHIRISH. *Science and innovation*, 2(Special Issue 6), 180-184.

31. Ешматов, И. Я., Усмонов, О. К., & Эшматова, Ш. И. (2023). ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРДА ЭЧКИЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ. *Science and innovation*, 2(Special Issue 6), 496-500.

32. Рахимов, М. А., & Машрабович, Х. М. (2023). РОСТ И РАЗВИТИЕ БЫЧКОВ ПРИ ИНТЕНСИВНОЙ ТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ НА МЯСА. *Journal of new century innovations*, 40(1), 125-130.

33. Рахимов, М. А., & Машрабович, Х. М. (2023). ASALARICHILIKDA INTENSIVE TECHNOLOGIYA. *Journal of new century innovations*, 40(1), 110-115.

34. Рахимов, М. А., & Машрабович, Х. М. (2023). ЗНАЧЕНИЕ МИКРОБИОЛОГИИ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ. *Journal of new century innovations*, 40(1), 116-124.

35. Haydarov, M., Yusupova, Z., Sayramov, F., & Rahmonova, O. (2022). Lamiaceae oila vakillarining biz bilgan va bilmagan dorivorlik xususiyatlari. *Science and innovation*, 1(D7), 89-94.

36. Хайдаров, М. М. (2022, November). ЛАБГУЛДОШЛАР ОИЛА ВАКИЛЛАРИНИНГ ЭФИР МОЙИГА БОЙ БЎЛГАН БАЗИ ТУРЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE* (Vol. 1, No. 8, pp. 16-20).

37. Хайдаров, М. М. (2022). МОРФОЛОГИЯ НЕКОТОРЫХ ВИДОВ СЕМЕЙСТВА LAMIACEAE, БОГАТЫХ ЭФИРНЫМ МАСЛОМ. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 1(12), 834-838.

38. Haydarov, M., Mamanazarov, B., Xamroqulov, D., & Nasriddinova, D. (2022). BIOMORPHOLOGY OF VALERIANA OFFICINALIS L. *Science and Innovation*, 1(8), 393-399.